

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария брониға тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			


Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиши тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юкланиши остиде қолдирилади.


б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария брониға кирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:



Корхона:



“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

№ 17427014

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида яшаш аҳолиси билан муносабатлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонуни асосида

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Юридик шахслар учун электр таъминоти  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "24" январь 17:27:04 -сон

Ходжаев  
(шартнома тузилган манзил)

"Хоразм худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти  
Ходжаев туман (шахар) электр таъминоти корхонасида  
"Ишончнома" асосида фаолият юритувчи раҳбари  
О. Болтаев (кейинги ўринларда  
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

"Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда Нижоли асосида  
фаолият юритувчи Назарови Юнуси ОУСМ  
(Истеъмолчи)нинг номин)  
раҳбари А. Юлдошев (кейинги ўринларда  
(Истеъмолчи) раҳбарининг Ф.И.Ш.)

"Истеъмолчи" деб аталади), ҳисоб рақами - 1004779 иккинчи  
томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 6666,66 кВт.с. реактив 450 кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 2999,997 сўми, тариф(лар) бўйича

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг руйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин)

ташқил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли Қарорининг 1-илоvasида белгиланган руйхатига асосан табиий монополиялар субъектлари томонидан Истеъмолчиларга мажбурий хизмат кўрсатилиши бўлган йиллик минимал Энергия миқдори 6666,66 кВт.с

### III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379 нинг руйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланган ташкилотлар руйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 3-илоvasига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг "25" санасигача тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи стказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчига энергияни стказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори киймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Электр таъминоти корхонасига мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида стказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳақда 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнанинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Истеъмолчи уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди. (Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради)

3.8. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.9. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг

технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Электр таъминоти корхонаси вакили ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда стказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузишлари шарт.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда; ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда; электр таъминоти корхонаси талабномаларни бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб хатти-ҳаракатлар амалда оширилганда;

электр энергиясидан уғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқлари ноқонуний улашиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озатмайди.

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиш мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн барабар миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

#### IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартлари мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашнинг талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни

эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;  
электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Электр таъминоти корхонаси ва "Ўзэнергоинспекцияси" кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда руҳсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманомга бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришнинг талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўйиш;

Қарздорлик юзага келганида ва ЭНҲАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчининг олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчининг электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиши чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларида  
фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр  
хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;  
электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр  
таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасда  
огохлантириш;

Истеъмоличини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва  
тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;  
киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақт  
кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги  
бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмоличининг аризасини, ариза олинган  
кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил  
жавоб юбориш;

Истеъмоличига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини  
юритиш;

Истеъмоличининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ  
ун кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар  
киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш  
(камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмоличига бу ҳақда, рад этиш  
сабабини кўрсатган холда хабар қилиш;

Истеъмоличда ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш  
ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек пломбалашни таъминлаш;  
сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр  
энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши  
мумкин.

#### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон  
Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек,  
шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда,  
Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолич" эса  
етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолич олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:  
Истеъмолич электр энергияси истеъмоличнинг белгиланган режимида ривож  
қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан  
ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан  
белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст  
сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;  
захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва  
автоматик

тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини  
етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;  
ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши  
мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик

тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчиришлар ҳисобига содир бўлиб энергияни етказиб  
беришдаги танаффуслар юзага келганда;

энергия беришдаги узилишлар қувват ва энергия етишмаслиги сабабли  
энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари асосида  
истеъмолични тартибга солиш натижасида юз берган бўлса;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт  
ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узилишлар  
тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда, истеъмолич олдида моддий жавобгар  
бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмоличини электр энергиясидан узилганда ёки енгил  
бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулодда авария ҳолатлари юзага келганда  
(форс-мажор) Истеъмолич олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро  
келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга  
эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўра иқтисодий  
судларда ёки "ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ" жамияти  
хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади. Низо  
ҳакамлик судида ҳал қилинганида суднинг регламенти ва Низомига кўра ҳал  
қилинади. Ҳакамлик муҳокамасининг жойи: ҳакамлик суди томонидан  
белгиланади. Ҳакамлик муҳокамаси 1 нафар ҳакамлик судьяси томонидан ҳал  
этилади. Ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ чиқимлар Ўзбекистон Республикаси  
"Давлат божи тўғрисида"ги Қонуни ва илоовасида белгиланган ставкалардан  
ошмаслиги лозим.

5.5. Тарафлар ўртасида ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан  
низоз келиб чиққан тақдирда, улар мазкур шартноманинг 5.4-бандида кўрсатилган  
тартибда "ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ" жамияти  
хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади.

#### VI. Яқиний қондалар

6.1. Шартнома 20 22 йил 31 Декабр гача бўлган муддатта  
тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва  
кейинги ойдан кучга қиради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни  
узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги  
ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан  
мустанос). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой  
олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг  
ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган.  
Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан  
олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин  
хабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарт билан бекор  
қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга  
оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса,  
ҳақиқий ҳисобланади.

**VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари**

Истеъмолчи: Хазараси тумани БУСМ  
 Юридик манзили Хазараси тумани Мухоммон қишлоғи

Почта манзили \_\_\_\_\_  
 Ҳисоб рақами 23402000300100001010  
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 207005544  
 Истеъмолчининг юридик манзили бўйича Кадастр рақами \_\_\_\_\_

Маҳалла номи Мухоммон қишлоғи  
 Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган  
 Истеъмолчилар учун:

Бюджет фонднинг ҳисоб рақами \_\_\_\_\_  
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 201122919  
 Бюджет фонднинг ҳисоб рақами 10002286033220208361024500  
 Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_  
 Телефонлар: +99893 7522969 Факс: \_\_\_\_\_  
 ("Истеъмолчи" телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарининг уяли телефони кўрсатилган)

**Статистик кодлар:**

ОКЭД \_\_\_\_\_  
 СООГУ \_\_\_\_\_  
 СОАТО \_\_\_\_\_  
 КФС \_\_\_\_\_  
 КОПФ \_\_\_\_\_  
 ОКПО \_\_\_\_\_

**Корхона:**

Почта манзили Хазараси тумани Шўхатқалъачи  
 Ҳисоб рақами 22636000500313389473  
 Банк коди (МФО) 00853 (ИНН) 200408434  
 Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

СООГУ \_\_\_\_\_ СОАТО \_\_\_\_\_

**Корхона вакили**  
 \_\_\_\_\_  
 (Имзо, Ф.И.Ш., сана)  
 М.Ў.

**Истеъмолчи**  
 \_\_\_\_\_  
 (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

**Юрист хулосаси:**  
 \_\_\_\_\_  
 (ИМЗО) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Юридик шахслар учун электр таъминоти шартномасига 1 – илова

**Етказиб бериладиган энергия ҳажми**

1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: кВА \_\_\_\_\_ (кВт)
4. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) \_\_\_\_\_
5. Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: табақалантирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг рўйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар (кератлиги ёзилган)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	6666.66				
Январь	2222.22				
Февраль	2222.22				
Март	2222.22				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига ишлайди 24 соат, ойда 30-31 кун  
 Умумий юкга нисбатан сменалар бўйича юкланиш % I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_

**Корхона вакили**  
 \_\_\_\_\_  
 М.Ў. (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

**Истеъмолчи**  
 \_\_\_\_\_  
 (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Мазкур шартномани расмийлаштирган электр таъминот Корхонасининг мазсувот ходими  
 \_\_\_\_\_  
 Ф.И.О.



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари \_\_\_\_\_

б) кабель линиялари 2242 м 4x25

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари \_\_\_\_\_

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси Шо'м Соҳибов дегизи

0,4 кВ бўлиши ва 0,4 кВ бўлиши ва 0,4 кВ бўлиши


3. Улардан қуйидагиларга: а) Мансубдеев хизмат курсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан, Эмомалӣ Раҳмон ва Шоҳсанам Раҳмонова

б) \_\_\_\_\_

"Истеъмолчи" билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: Мансубдеев

Вакиллар: Мансубдеев (ИМЗО) (Ф.И.Ш.) Обалтошев (ИМЗО) (Ф.И.Ш.)



Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги хар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги 42 м \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси 25 \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши 0,4 кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ %

ташкил этади; в) Истеъмолчининг хаво линияларидаги хар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ %

ташкил этади. Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг хар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолга қаратилади.

Истеъмолчи: \_\_\_\_\_ (И.Ш. Имзо) Корхона: \_\_\_\_\_ (И.Ш. Имзо)

